

**«МАЪНАВИЙ ТАҲДИД» ТУШУНЧАСИ: ЁНДАШУВЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР****Мусинов Нажмиддин Фахридинович**

Жиззах давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440222>

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий гуруҳ ва миллий қадриятларимизни сақлаган ҳолда маънавиятини юксалтириш йўлида учрайдиан «маънавий таҳдид» тушунчаси ҳақида ва бу тушунчанинг туб моҳиятининг келиб чиқиши ҳақидаги ёндошувлар ва талқинлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калим сўзлар:** «маънавий таҳдид», «хавфсизлик», «ахборот хуружи» «Миллий гуруҳ» «миллий қадриятлар» «ўргамчак тўри» «жаҳолат» «маърифат».

**ПОНЯТИЕ «МОРАЛЬНАЯ УГРОЗА»: ПОДХОДЫ И ИНТЕРПРЕТАЦИИ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается понятие «моральная угроза» и подходы и интерпретации о происхождении сущности этого понятия, которое встречается на пути поднятия морального духа при сохранении нашей национальной гордости и национальных ценностей.

**Ключевые слова:** «моральная угроза», «безопасность», «информационная атака», «национальная гордость», «национальные ценности», «паутина», «невежество», «просвещение».

**CONCEPT OF "MORAL THREAT": APPROACHES AND INTERPRETATIONS**

**Abstract.** This article discusses the concept of "moral threat" and the approaches and interpretations about the origin of the essence of this concept, which is encountered in the way of raising the morale while preserving our national pride and national values.

**Keywords:** "moral threat", "security", "information attack" "National pride" "national values" "cobweb" "ignorance" "enlightenment".

Халқимиз маънавиятини асраш ва уни юксалтириш, айниқса, ёш авлодни турли зарарли ғоя ва мафқуралар таъсиридан, бир сўз билан айтганда, маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Илмий лексиконимизда нисбатан янги кириб келган «Маънавий таҳдид» тушунчасига турлича ёндошувлар мавжуд. Фалсафа фанлари доктори Г.Туленованинг «Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» мақоласида мафқуравий таҳдидлар, жумладан терроризм, ақидапарастлик ва диний экстремизм маънавий таҳдид сифатида қаралган.

Россиялик тадқиқотчиларнинг «Россия маънавий хавфсизлиги (маънавий хавфсизликнинг долзарб назарий-методологик ва амалий муаммолари) номли илмий – методик қўлланмасида маънавий таҳдидларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Мазкур қўлланмада ҳозирги вақтда маънавий хавфсизликка етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги таъкидланган ва маънавий таҳдидлар сифатида демографик ва диний онгга таъсир этувчи таҳдидлар таҳлил қилинган.

Е.А.Бокша маънавий таҳдидлар сифатида Россия оилалари турмуш тарзига қаратилган деструктив характердаги, маънавий қарама-қаршилиқларни келиб чиқишига сабабчи бўлувчи жараёнларни ривожлантирувчи омилларга эътибор қаратган. Шунингдек ҳозирда оилаларнинг ҳаётига қарши қаратилган радикал феменизм мафқураси, гей – маданияти – ғоясини тарқалиши (оммалашуви), шаҳватпарастликнинг (эротизм) тарғиботи, Россия оиласида эгоистик (худбинлик) қадриятларининг мажбуран қабул

килиниши, бозор идеалларининг ўз навбатида маънавий асосларга салбий таъсирини маънавий таҳдидлар сифатида баҳолаган. Маънавий таҳдидлар кенг қамровли бўлиб, мазкур ёндошувларда уларнинг у ёки бу жиҳатлари ҳисобга олинган.

И.Исломов тадқиқотларига кўра, **маънавий таҳдид** – шахс, жамият ва давлатнинг маънавият соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шарт ва шароитлар, омиллар мажмуидир. Маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи ва миллий маънавий манфаатлар учун хавф бўлган ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

«**Ўргамчак тўри**» деб аталувчи Интернет тармоғидаги қўпоровчилик ҳаракатлари, аввало, ёшларнинг онгини егаллашга йўналтирилган тубан ва маккаор усулдир. Мафкуравий жараёнлар глобаллашиб бораётган бугунги кунда оҳанграбо сингари ўйга ром этаётган ва кишини чалғитаётган ахборот хуружидан ҳимояланишнинг энг мақбул йўли - ёшларимиз тафаккур маданияти, дунёқарашини шакллантиришдир. Фикрлаш маданиятидан маҳрум бўлиш, манқуртга айланиш демакдир. Тафаккур - инсоннинг энг катта бойлиги. Тафаккурдан маҳрум бўлиш инсоний қиёфадан маҳрум бўлиш билан баробардир.

АҚШ, Норвегия, Швеция, Канада, Сингапур каби мамлакатларнинг 50 фоизга яқин аҳолиси шахсий компьютерлардан интернетга боғланиш имкониятига ега. Финландия, Дания, Австралия, янги Зеландия мамлакатларида бу кўрсаткич 30-40 фоизни буюк Британия, Голландия, Швецария, Австриада 20 фоиздан ортиғроғини ташкил етмоқда.

Ахборот хуружининг энг беозор бўлиб кўринган кўринишларидан бири – бу одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби қадиятларга қаратилган тажоввуздир. «Америка психиатрлари ассоциацияси берган маълумотга кўра, электрон савдонинг 20 фоизи порнографияга алоқадор бўлиб, ўзини «секс- елдикц» деб атавчи 2 миллион киши ҳар куни бир неча соатлаб вақтини шунга сарфлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, электрон порнография реклама учун энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб катта фойда берувчи (30 фоиз) соҳа ҳисобланади. Янги электрон бозорнинг 70 фоизини порнография, 4 фоизини видео ўйинлар, 2 фоизини эса спорт ташкил етмоқда.

Миллий ғурур ва миллий қадриятларимизи сақлаган ҳолда замонавий реклама ва клипларни кўпайтириш билан ғарбнинг мафкурамизга қарши ғоялари кириб келишининг олидни олишимиз мумкин. Бунда биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деган шиори бизга дастуриламал вазифасини бажаради.

Дарҳақиқат, «**Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, курашиш мумкин**», деган шиор бежиз ўртага ташланмаган. Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири – бу одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши зарур. Яни, фикрга қарши фикр бўлиши керак. Бунинг учун юртимиз ёшлари, фуқаролари ўз билим ва малакалари устида кўпроқ ишлашлари, мамлакатимиз ва дунё хабарлари билан мунтазам танишиб бориш, уларни мустақил таҳлил қилиш, илмий, бадий ва сиёсий адабиётларни ўқиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Ахборот хуружи орқали жаҳон жамоатчилигининг онгу тафаккурини бошқаришга уруниш сиёсий курашнинг асосий усулига айланиб бормоқда. Айниқса «рангли

инкилоб»лар орқали турли мамлакатларда ғарбпараст ҳукуматларни шакллантириш, вақти-вақти билан ҳар хил мишмишлар тарқатиш воситасида уларни чўчитиб олиб, жилолда ушлаб туриш, демократия ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ниқоби остида турли халқаро фондлар орқали қарама-қарши кучларни рағбатлантириб, бар-бирига ва ҳукуматга қарши гўгўлаш – буларнинг барчаси халқаро муносабатларда қўлланаётган янги сиёсий экспансия технологиясидир. Бу технология ахлоқий меъёрларга, баъзи ҳолларда ҳатто халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳам беписанд қарайди. Шундай қилиб, ахборот хуружи нафақат сиёсий кураш, балки сиёсий экспансия воситаларидан бирига ҳам айланди.

Буни аввало глобаллашув натижасида оммавий маданият ниқобидаги нохуш ҳодисаларнинг, аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқларнинг ранг-баранг, бой маънавий ҳаётининг бирхиллашуви, миллий ўзлик туйғусининг сусайиши, егоизм ва нигилизм (**Нигилизм** – лот.ниҳил – ҳеч нима, ҳеч қандай).

1. Ижтимоий ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни инкор қилувчи нуқтаи назар.

2. Ўтмиш даврлардаги маданий меросни инкор етиш) каби хатарларнинг кучайишида кўриш мумкин.

Маънавият ва иқтисодий муштарақ ривожлантириш ахборот хуружи ўта кучайиб кетган глобаллашув шароитида айниқса долзарб аҳамият касб етмоқда. Чунки бундай вазиятда ҳар қандай ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муаммо ҳақидаги ахборот аҳоли ўртасида жуда тез тарқалиб, турли кескин ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай муаммоларга эса ички ва ташқи кучлар ўз манфаати нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Баъзилари улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринади.

Ўзбекистон республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизликни таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 382 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 11 бет.
3. Горбачев В.Г. Основы философии / Курс лекций. – М.: Владос, 1998. – С. 59.
4. Ковалев К. Николай Александрович Бердяев - философия истории и политика. –М.: Прогресс, 1996. –С.186.